

# Ҳажнинг фарзлари | Фикҳ дарслари (351-дарс)



19:00 / 30.10.2025 938

## Унинг фарзлари - эҳром, Арафотда туриш ва зиёрат тавофидан иборат.

Бундан ҳажнинг фарзлари учта экани келиб чиқади:

### 1. Эҳром.

«Эҳром» арабча сўз бўлиб, луғатда «ҳаром қилмоқ» маъносини англатади, чунки ҳажда эҳромга кирган одам ўзига эҳромдан олдин ҳалол бўлган баъзи иш ва нарсаларни ҳаром қилган бўлади. Мисол учун, бошқа вақтларда ўзига хушбўй нарсаларни сепиши ҳалол эди, эҳромга киргач, бу нарсалар ҳаром бўлиб қолади.

Бу амални барча ҳаж қилувчилар қадимдан бажариб келганлар. Эҳром ҳажнинг энг кўзга кўринган аломатига айланган. Ҳажда эҳромнинг фарзлигига Ислому уммати ижмоъ қилган. Ҳар бир ибодатнинг бошланишида бажариладиган алоҳида амали бўлганидек, эҳром ҳажнинг ана шундай амалидир.

### 2. Арафотда туриш.

Арафотда туриш ҳажнинг асосий рукни ҳисобланади.

Аллоҳ таоло: «**Арафотдан қайтиб тушганингизда**», деган (Бақара сураси, 198-оят).

Имом Аҳмад ва тўрт «Сунан» китоблари соҳиблари келтирган ривоятда Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом: «Ҳаж арафадир», деганлар.

Арафа куни заволдан кейин Арафотда туриш вақти бошланиб, ҳайит кунининг тонги отгунча давом этади. Ана ўша вақтнинг ичида бир оз бўлса ҳам Арафот чегарасида туриш фарздор. Фақат кундузи турган одам қуёш ботгунча туриши вожиб.

Арафотда турилмаса, ҳаж ҳаж бўлмайди.

### 3. Тавофи ифоза.

Зулҳижжа ойининг ўнинчи куни, яъни ҳайит куни шайтонга тош отиб, қурбонликни сўйиб, сочни олдириб (ёки қисқартириб) бўлингандан сўнг Байтуллоҳ тавоф қилинади.

Шу тавоф зиёрат тавофидир. У «Тавофи зиёра» ҳам дейилади. Бу тавоф ҳам ҳажнинг рукни бўлиб, уни қилмаган инсоннинг ҳажи ҳаж бўлмайди. Уч кун ҳайит ичида зиёрат тавофи қилиниши шарт.

Аллоҳ таоло: «**Қадимги уйни тавоф қилсинлар**», деган (Ҳаж сураси, 29-оят). Бу оятдаги «тавоф»дан зиёрат тавофи кўзда тутилган.

???? ?????????? ??????? ?????? ??????????? ??????????:

????????? ??????????? ??????????? ?????????????? ??????????????:

??? ?????????? ??????? ?????????????????????? ???????

????????????? ??????? ??????? ??????????? ??????????????:

«?????????? ??????????? ?????????????? ??????? ??????????????»

?????: ??????? ??????: «????????????». ????????

?????????????.

*Оиша розияллоху анҳодан ривоят қилинади:*

**«София Минодан тушиш куни ҳайз кўриб қолди ва:**

**«Менимча, сизларни ушлаб қолсам керак», деди.**

**Шунда Набий соллаллоху алайҳи васаллам:**

**«Тушмагур! Сўйиш куни тавоф қилганмиди?» дедилар.**

**«Ҳа», дейилди.**

**«Жўнайвер», дедилар».**

*Бешовлари ривоят қилишган.*

Демак, ҳайз кўрган аёл аввал зиёрат тавофини қилган бўлса, жўнаб кетавериши мумкин экан. Уни аввалроқ қилмаганида, фарз амални қилмагани учун мазкур амални қилмагунча кетиши мумкин бўлмай қолар эди.

**«Кифоя» китобининг иккинчи жузи асосида тайёрланди**

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 5 октябрдаги 03-07/7013-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.